



“ҚАБУЛ ШИЛДИ”
 Тошкент шаҳар ҳоқими
 Р.Усманов

2016 йил «__» _____



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
 Ўзбекистон Республикаси
 Меҳнат вазири
 А. Абдуҳақимов

2016 йил «__» _____

Тошкент шаҳар Меҳнат бош бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг хожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкиллаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498–сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 20 апрелдаги 117-сон қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент шаҳар Меҳнат бош бошқармаси (кейинги ўринларда – Бош бошқарма деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг қарорлари, буйруқлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фармойиши ва қарорларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг ташкилий тизими бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг марказий аппаратиغا, тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига буйсунади ва ҳисобот беради.

Бош бошқарма давлат бошқарувининг Меҳнат органи ҳисобланади.

Бош бошқарма ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқарувининг маҳаллий органлари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалар билан ҳамкорликда фаолиятини олиб боради.

4. Бош бошқарма юридик шахс бўлиб, ғазначилик бўлимларида шахсий ҳисоб варақларига ва банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга.

Манзили: Тошкент шаҳар Яккасарой тумани А.Авлоний кўчаси 20-А уй.

5. Бош бошқарма тизимига қуйидагилар киради:
 туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказлари;
 банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш минтақавий маркази;
 ишсизларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини
 ошириш ўқув маркази.

6. Бош бошқарманинг моддий-техника таъминоти ва унинг тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, Меҳнат органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

II. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли бандлиги даражасини туман (шаҳар)лар бўйича ёш-жинс гуруҳлари бўйича тизимли асосда чуқур таҳлил қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш йиллик ҳудудий дастурлари ишлаб чиқирилишини мувофиқлаштириш, аҳоли бандлигини ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, улар бажарилиши доимий мониторингини олиб бориш;

банд бўлмаган аҳолини, биринчи навбатда ёшлар, аёллар ва ногиронларни касб-хунарга ўқитиш ва қайта тайёрлашни, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил қилиш, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда уларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва бандлик соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, шунингдек меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Бош бошқарма, ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) меҳнат бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида:

махаллий давлат хокимият органининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси билан биргаликда, жамиятни ислоҳ қилишнинг мақсад ва устуворликларидан келиб чиққан ҳолда, замонавий бозор муносабатлари механизмлари ва воситалари асосида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳудудий меҳнат бозорини изчил ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқирилишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

маҳаллий давлат ҳокимият органининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси ва статистика бошқармаси билан биргаликда ҳудудни демографик ва иқтисодий ривожлантириш прогнозлари асосида меҳнат ресурсларининг прогноз балансларини ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқади;

ҳудудий меҳнат ресурслари сони ҳамда таркибини ўрганеди, уни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

аҳолининг бандлиги даражаси ва таркибини тўлиқроқ ва ҳолисона баҳолашни таъминлаш, ишга жойлашишга мухтож шахсларни аниқлаш мақсадида маҳаллий меҳнат бозорининг ҳолати мониторингини ташкил этади, шу асосда тармоқлар ва туман (шаҳар)лар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича янги иш ўринлари ташкил этишнинг йиллик буюртмаларини шакллантиради;

иш ўринлари ташкил этишнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради ва манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда уларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

меҳнат миграцияси жараёнларини таҳлил қилади;

ишсизлар ва ишга жойлашишга мухтож банд бўлмаган аҳоли ҳисобини юритади;

бўш иш жойлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни ташкил этади, белгиланган тартибда тақдим этиладиган бўш иш жойлари ҳисобини юритади ва улар ҳақидаги маълумотларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолига етказиши;

ҳудудий Давлат солиқ бошқармаси билан биргаликда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти бўйича банд бўлган фуқароларни ҳисобга олишни ташкил қилади;

аҳоли, шу жумладан ёшлар, аёллар, имкониятлари чекланган шахслар, ишдан озод қилинган ходимлар ва аҳолининг бошқа тоифалари бандлигини ва улар ишга жойлаштирилиши бўйича маълумотлар шакллантирилиши ва таҳлил этилишини ташкил қилади;

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини тадқиқ қилади ҳамда унинг натижалари асосида ишчи кадрларнинг ва таълим муассасаларида мутахассисларнинг касб тайёргарлиги йўналишларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорамол боқиш бўйича банд бўлган

фуқароларнинг бандлигини тартибга солиш чора-тадбирларини амалга оширади;

илмий-тадқиқот ташкилотлари билан биргаликда ёшлар ва иш билан банд бўлмаган аҳолининг касб-хунарга хошиини ва меҳнат йўналишларини аниқлаш учун социологик тадқиқотлар ўтказилади;

бандлик ва иш ўринларини ташкил этиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда туман (шаҳар) ҳокимликларига методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

иқтисодий ислоҳ қилиш ва таркибий қайта ўзгартириш давомида, шунингдек ташкилотлар қайта ташкил этилганда, банкрот бўлиши ва тугатилиши натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик фаолияти ва аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашининг бошқа шакллари ривожлантирилишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқарувининг маҳаллий органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва бошқа ташкилотларга йирик корхоналар билан фуқаролар ўртасида кооперация асосида касаначиликни ташкил этишни кенгайтириш, шунингдек оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш масалаларида ёрдам кўрсатади;

нодавлат ноижорат ташкилотларига ва бошқа ташкилотларга ногиронлар учун иш ўринларини ташкил этишда ва уларни ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатади;

ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ташкил этишга ва ривожлантиришга, ногиронлар бандлигини таъминлашда касаначилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришга кўмаклашади;

ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

ишсизларни ва иш билан банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитишни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

меҳнат бозори инфратузилмаси фаолияти такомиллаштирилишини таъминлайди;

вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларининг фаолиятини ташкил этади;

манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари билан биргаликда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларни, шу

жумладан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

ишсизлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига моддий қўллаб-қувватлаш таъминланишини белгиланган тартибда ташкил этади;

ташкilotларда иш ўринларининг энг кам миқдори ажратилиши ва уларга иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган аҳолининг айрим тоифаларига мансуб шахсларнинг ишга қабул қилиниши масалаларини ўрганади ва таҳлил қилади;

деҳкон ва фермер хўжаликларида ишлаётган фуқаролар, шунингдек тадбиркорлар учун белгиланган меҳнат кафолатлари амалга оширилишини ташкил этади;

одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади.

б) меҳнат муносабатларини тартибга солиш, моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни нормалаш ва ишчи касбларининг ҳамда мутахассислар ва хизматчилар лавозимларининг тариф-малака тавсифномаларини ишлаб чиқиш, шунингдек конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчиларнинг асосий касблари бўйича ишчиларга малака разрядлари бериш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

манфаатдор ташкilotлар, бошқармалар ва идоралар билан биргаликда энг муҳим ижтимоий-меҳнат нормалари ва нормативларининг рўйхатини аниқлайди ва улар ишлаб чиқилишда таклифлар тайёрлайди;

меҳнат ва бандлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан белгиланган тартибда давлат назоратини амалга оширади;

ягона техник сиёсатни амалга ошириш, тармоқнинг ахборот тизимларини яратишда ягона усул ва воситаларни қўллаш орқали меҳнат ва бандлик соҳасида ахборот тизими шакллантирилиши ва ривожлантирилишини таъминлашда иштирок этади;

меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини, ягона тариф сеткасини, иш ҳақини туманлар бўйича тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш юзасидан методик ёрдам кўрсатади;

меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, шунингдек меҳнат шароитлари ноқулай ишларда ишлаётган ходимларга кафолатлар ва компенсациялар берилиши устидан давлат назорати ва текширувини, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишни белгиланган тартибда амалга оширади;

меҳнат шароитлари, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш материаллари давлат экспертизасидан ўтказилишини ва тегишли хулоса берилишини таъминлайди;

корхона ва ташкилотлар таклифларига кўра имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатига ўзгартишлар киритиш, қўшимча таътил, қисқартирилган иш кунини белгилаш бўйича Меҳнат вазирлигига таклиф киритади;

ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун бериладиган имтиёзларнинг амалдаги рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича вазирликка таклиф киритади;

меҳнат муҳофазаси бўйича баҳолаш натижаларига кўра белгиланган мезонларга мувофиқ ташкилотларни касбий хавфлилик тоифасига киритади.

в) халқаро ҳамкорлик соҳасида:

вазирлик топшириғига кўра меҳнат ва бандлик масалаларида халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлик соҳасида ўзаро самарали ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг, меҳнат ва бандлик масалалари бўйича тузилган бошқа халқаро шартномалар бажарилиши мониторингини амалга оширади, белгиланган тартибда тегишли ҳисобот тайёрлайди ҳамда вазирлик марказий аппаратида тақдим этади;

маҳаллий давлат ҳокимият органлари, манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳудудий органлари билан биргаликда меҳнат

ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича халқаро ташкилотлар вакилларининг ишини ташкил этишда қатнашади.

г) молия-хўжалик фаолияти соҳасида:

бош бошқарма тизимида молия ишларини, ҳудудий марказлар томонидан ўтказиладиган тадбирларни, шунингдек ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларни маблағ билан таъминлашни белгиланган тартибда ташкил этади;

бош бошқарма тизимида кирадиган муассасаларнинг штатлар жадвалларини келишади, молия-хўжалик фаолияти бўйича баланслар ва ҳисоботларни кўриб чиқади;

бош бошқарма тизимида кирадиган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади;

бош бошқарма тизимида кирадиган ташкилотларнинг марказлаштирилган капитал қўйилмалардан самарали фойдаланишини таъминлайди, бош бошқарма тизимида кирадиган ташкилотларда объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича истикболли дастурларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади.

д) фаолиятининг бошқа соҳаларида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқади, шунингдек бош бошқарма ваколатига қирувчи масалаларда қонунчилик бузилишини бартараф этиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширади;

ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда, ўзининг ваколати доирасида, одам савдоси жабрдийдаларини реабилитация қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишга кўмаклашади, жабрланган фуқаролар ҳуқуқларини тушунтиради;

бош бошқарма ва унинг тизимида кирадиган ташкилотлар ходимларини қайта тайёрлашни ва малакасини оширишни ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда ваколати доирасида иштирок этади;

маҳаллий давлат ҳокимият органининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси, бошқа вазирликлар, идораларнинг ҳудудий бошқармалари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан биргаликда аҳоли турмуши даражаси ва фаровонлиги юзасидан тадқиқотлар ўтказишда ва уни янада ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

9. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функциялар бевосита ўзи томонидан ҳамда унинг тизимида қирувчи ташкилотлар орқали бажарилишини таъминлайди.

III. Бош бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Бош бошқарма ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

махаллий давлат, хўжалик бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларидаги фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

бош бошқарма ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун маҳаллий давлат, хўжалик бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларидан ахборотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

бош бошқарма ваколатига кирадиган масалалар юзасидан зарур статистик маълумотларни давлат статистика органларидан бепул олиш;

ташкilotларда меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шaroитлари ва стандартлари масалалари бўйича қонунчиликка, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар қоидалари ва талабларига риоя этилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганиш ва текширишлар ўтказиш;

ташкilotлар томонидан ногиронлар учун ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириш шaroитларини таъминланиши устидан белгиланган тартибда давлат назоратини амалга ошириш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус текширишлар ўтказиш ёки текширишларда иштирок этиш;

меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мансабдор шахсларга маъмурий жазолар бериш;

ташкilotлар фаолиятини ҳамда меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ходимлар соғлиғи ёки ҳаётига хавф туғдирадиган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқлаштирилгунга қадар ўз ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб туриш;

ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида, бошқармага ва унга идоравий мансуб тузилмаларга тегишли давлат мулкани ёки асосий воситаларни бир тузилмадан иккинчисига, белгиланган тартибда вазирлик билан келишилган ҳолда, бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш;

бош бошқарма тизимида кирадиган ташкilotларнинг ходимларини, улар томонидан фаолиятнинг асосий параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, моддий рағбатлантиришнинг миқдорлари ва шартларини белгилаш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

аҳоли бандлиги, ишга жойлаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ижтимоий реклама маҳсулотларига буюртма бериш ҳамда уларни давлат оммавий ахборот воситаларида, стендларда, баннерларда ва ушбу маҳсулотлардан аҳолининг кенг фойдаланиши имконини таъминловчи бошқа усулларда бепул жойлаштириш;

биноларга хизмат кўрсатиш, инвентарлар ва хўжалик воситалари, автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ва ташкилий техникаларни саклаб туриш ва фойдаланиш ишларини бажариш, дастурий маҳсулотларни сотиб олиш юзасидан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган буйруқлари ва бошқа ҳужжатларини бекор қилиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда белгиланган тартибда расмий веб-сайтлар яратиш;

бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Бош бошқарма ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

Бош бошқарма, зарур ҳолларда, давлат бошқарувининг бошқа маҳаллий органлари билан биргаликда белгиланган тартибда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга.

12. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Бош бошқарманинг фаолиятини ташкил этиш

13. Бош бошқармани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вилоят ҳокими билан келишилган ҳолда, вазир томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош бошқарма бошлиғи бошқаради.

Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари вилоят ҳокимлиги билан келишган ҳолда бошқарма бошлиғи тавсияномаси асосида вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Олий юридик ёки иқтисодий маълумотга эга бўлган шахслар, шунингдек олий маълумотли иқтисодий-ижтимоий соҳада камида 5 йиллик

иш стажи бўлган шахслар Бош бошқарма бошлиғи ёки унинг ўринбосари лавозимида ишлашлари мумкин.

14. Бош бошқарма бошлиғи:

якка бошчилик асосида бош бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

бош бошқарма бошлиғи ўринбосарининг ва бошқа ходимларининг ҳамда унинг тизимига кирувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари ваколатларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради ва бош бошқарма тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

бош бошқарманинг харажатлари сметасини ва штатлар жадвалини ходимларнинг белгиланган сони доирасида тасдиқлайди, бош бошқарманинг бюджетидан молиялаштириладиган харажатлари ва даромадлари сметасини, штатлар жадвалларини ҳисобга олади;

зарурат бўлганда ходимларнинг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида бош бошқарманинг, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

бош бошқарма бўлинмалари, шунингдек туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

бош бошқарма ходимларини (бош бошқарма бошлиғи ўринбосари бундан мустасно), туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарларини қонунчиликда белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Қўйидагиларни:

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари директорларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш – тегишли туман (шаҳар)лар ҳокимлари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири билан келишган ҳолда бош бошқарма томонидан;

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари директорлари ўринбосарлари тегишли туман (шаҳар)лар ҳокимлари билан келишган ҳолда марказлар директорлари тавсияномаси асосида бош бошқарма томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

бош бошқарма бўлим (шўъба) бошлиқларини, юристларини ҳамда давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларини, меҳнат муҳофазаси бўйича давлат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертларини

лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш – вазирлик билан келишган ҳолда бош бошқарма бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари директорларини лавозимга тайинлаш ва озод қилишнинг қонунчиликда белгиланган тартибдаги жараёни якунига етгунга қадар кўрсатиб ўтилган таркибий бўлинмалар фаолиятини таъминлаш мақсадида бош бошқарма бошлиғи томонидан таркибий бўлинма раҳбарининг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлайди.

16. Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари тўғрисидаги низомлар тегишли туман (шаҳар)лар ҳокимлари билан келишган ҳолда тегишли равишда бош бошқарманинг буйруқлари билан тасдиқланади.

17. Бош бошқарма ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш меҳнат органлари тизими ходимларининг Республика курсларида шартнома асосида амалга оширади.

18. Бош бошқарма ҳамда туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг юридик хизматларига кадрлар хизматини ташкил этиш функцияси юкланади.

19. Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари, меҳнат муҳофазаси бўйича давлат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг разрядлари ва тариф ставкалари бўйича, тегишлича, бош бошқарма, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг бош мутахассисларига тенглаштирилади.

20. Бош бошқармада 5 кишидан иборат – бош бошқарма бошлиғи (кенгаш раиси), бош бошқарма бошлиғи ўринбосари шунингдек бош бошқарма марказий таркибий бўлимлари раҳбар ходимларидан иборат таркибда, ўз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ кенгаш ташкил этилади.

Кенгашнинг шахсий таркиби вилояти ҳокимлиги билан келишилган ҳолда вазирлик томонидан тасдиқланади.

Кенгаш қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

меҳнат ва бандлик соҳасидаги сиёсатни рўёбга чиқаришни янада такомиллаштириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган бош бошқарма фаолиятининг асосий концептуал йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Бош бошқарма номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида ва Ҳукумат қарорларида, меҳнат вазирлигининг ҳужжатларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун ижро интизомини

мустаҳкамлаш ва бош бошқарма раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Кенгаш бош бошқарма ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Кенгаш мажлисига бош бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Кенгаш унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари бош бошқарма бошлиғининг буйруқлари билан амалга оширилади. Бош бошқарма бошлиғи ва кенгаш аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда бош бошқарма бошлиғи пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида вазирликка ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Кенгаш аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини вазирликка хабар қилишлари мумкин.

Кенгаш фаолияти тартиби унинг кенгаш тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

V. Бош бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш

21. Бош бошқарма ходимларини рағбатлантириш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Бош бошқарма ва тегишлилиги бўйича унинг тизимидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантириш тўловларидан иборат бўлади.

Белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобига шакллантириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди маблағлари, шунингдек, меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси маблағлари иш ҳақи тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш манбаи ҳисобланади.

23. Бош бошқарма марказий аппарати ва унинг тизимидаги муассасалар ходимларини меҳнат органлари тизимидаги белгили хизмат муддатини узлуксиз ўтаганлиги учун йиллик бир йўла бир марталик тақдирлаш қўйидаги миқдорда амалга оширилади (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

3 йилдан 5 йилгача — 0,5;

5 йилдан 10 йилгача — 0,8;

10 йилдан 15 йилгача — 1,0;

15 йилдан ортиқ — 1,5.

Белгили хизмат муддатини узлуксиз ўтаганлиги учун йиллик бир йўла бир марталик тақдирлаш имтиёзини берадиган меҳнат стажи касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда бош бошқарма томонидан тасдиқланадиган тартибда ҳисоблаб чиқарилади.